

Мусибат устина мусибат! Русиянинг hozirgi холини очик тасвир этмак учун мундан ярашарок[1] сўз йўқдир. Ўзгаришдан[2] сўнг Русиянинг хар тарафиндан очликлар, ёнгинлар, талонлар, ўлумлар, ўлдурмалар бўлуб турган чоғда бирда чикиб колган голибия маглублиги билан бунинг устига тортилмас бир юк бўлуб чўкган Риго[3] кетишини кўзда олсак ва бунлар оркасиндан босиб келган Болтик маглублигини ўйласак, Русияни мусибат устинда мусибат босаётибдир. Русия амринда эмдиги туёкларин остинда ётибдир деярга бизни мажбур килур. Вокеа Риго каби чидамли бир кўргоннинг уч кунда кетмаси Болтикдаги кимсаларнинг чопибгина англамаси, ёлгуз иштахаларни эмас, ўз истикболларидан русларнинг ўзларини дахи маъюс килур, рус кучиндаги эътимод[4] ва эътиборларни тубиндан чурутур ходисалардан эди. Ортик русларнинг охирлари колган бўлса, бутун-бутун муттафикларига[5] колган эди. Руслар «эхтимолки, муттафикларимиз ўз майдонларина оркаси айсимас[6] юрушлар килиб, бизни ўзигагина ундурурлар» деб ўйлай эдилар.

Рус сиёсийлари шундай бир умид билан уруниб турмоқда экан, бирдан Италия кўшуни бузулди. Олмонлар Италия узра темур юмрукларини ундирдилар[7] ва Италия кўшуни ўз бошини олиб, Олп тоглари оркасига чикорга мажбур бўлади. Олмонлар, йўллари узра Италия кўшуниндан минг бўйла кучлирок бир монеъ[8] бўлган Олп тогларин ошиб, Италия сахроларига индилар. Ортик Италия ўлкасининг хар ёнига олмон кўшуни учун йўллар очилди...

Италиянинг бу кўркунч маглублиги ёлгиз италёнлар учун эмас, руслар учун дахи буюк бир мусибат бўлди. Чунки ёнгинларинда, бадбахтлик лойкаларинда ботиб колган Италиянинг кўлиндан ололмаган муттафиклар кўшуниндан Русия учун кўмак кўзлайикнинг маъносиз бир эдугини янгидан исбот килиб берди. Бунинг натижасинда Русияда янги бир бало бош кўтарди, большевик балоси!

Большевиклар иккинчи йўла кўзгалдилар. Бу кўзгалишлари биринчиси каби бўлмади. Бу дафъа буюк иш курдилар. Петроградни олиб, Керенскийни Русиянинг содик болаларини охтариб топиб, тўплаб кетурмак учун майдонларигача кетарга мажбур этдилар. Сўнг хабарларга кўра, Керенский теваракдан тўплаб кетурдиги кўшун билан большевикларни енгмиш ва Петроградни унларнинг кўлиндан янгидан олмишдир.

Олмиш, аммо большевик балоси бошка бир тарафдан бош кўтарди: Тошкандда тўрт кунлик конли бир урушмадан сўнг, у ерни керенскийчилардан бўшатди. Эхтимолки, Керенскийнинг Петрограддаги голиблиги Тошканд маглублигини эътибордаи тушуурар; эхтимолки, Керенский Петроград ишини тузатгандан кейин Тошкандни дахи янадан олур. Лекин шунларгина билан большевик кучининг йўк бўлуруни умид этмак тўгри эмас. Большевикларнинг иккинчи чикишлари билан биринчи чикишлари орасидаги айирбодни кўрган кимсалар учинчи бир чикишнинг кандай бўлуруни онглаб олсалар керак.

Биз туркистонийлар учун хар холда керенскийчилар билан большевиклар орасиндаги курашнинг битиб кетмадигини кўзда тутиб, ўз йўлларимизни шунга кўра тайин этмак керакдир. Биламизки, hozirда курашиб турган бу ойги фирканинг хар бири

хурриятчидир. Иккисининг ҳам бизга зарарли тушунчалари охирда йўқдир. Зеро, бунлардан биронтаси истибдод тарафдори эмасдир. Телбалик килиб чопибгина бунлардан бирини ёкламок фойдали бўлиб чикмас. Русияда истибдод тарафдорлари чикмагунча мусулмон кучини сарф этмак хатодир. Хурриятчи икки партия орасинда бўлатурган урушларга котишмок, бунлардан бирини ёклаб ўзгасидан юз қайтармок эҳтиётсизликдир. Бунларнинг ҳам бизнинг сўзимиз шу бўлгулидирки: биз мусулмонлар сизнинг ҳеч бирингиздан нафрат қилмаймиз. Бизнинг миллий ватаний ҳақларимизни ҳасб этмак фикрига тушмагунча биз ҳеч бирингизга душман бўлмаймиз.

Мана ҳозирда туркистонийлар учун хатарсиз йўл шу йўлдир.

(«Хуррият», 1917 йил, 49-сон)

[1] ярашарок — ярашиклирок.

[2] ўзгариш — Октябр инкилоби.

[3] Риго — Рига шаҳри. Русиянинг Болтикбўйини эгаллаш илинжидаги жанглардаги муваффақиятсизлиги назарда тутилади.

[4] эътимод — юпанч, таянч.

[5] муттафик — бирлашган, иттифокчи.

[6] орқаси айсимас — натижасиз.

[7] Биринчи жаҳон урушидаги Олмония ва Италия қўшинларининг ўзаро қурашлари назарда тутилган. Италия қўшинлари Алп тоғларини ошиб ўтиши билан ўз ички муҳофаасидан узоқлашиб кетади. Олмониянинг Италия ичкарасига йўл очиши воқеалари назарда тутилмоқда.

[8] монеъ - тўсик.